



YOSHILAR OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муқаддас ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига муқаддас ҳарбий хизматга чақирилиш даврида чақирув ёшидаги фуқароларга қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки:
2019 йилдан бошлаб чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари март-апрель ойларида муқаддас ҳарбий хизматга чақирилади;

муқаддас ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, жорий йил чақирув мобайнида Қуроли Кучлар сафига қабул қилинмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақирув резервиге олинади.

2. 2018 йилда муқаддас ҳарбий хизматга чақирилган, ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий хизматчилари 2019 йилнинг март-апрель ойларида резервга бўшатилади.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 22 февраль

МУНОСАБАТ ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ АНИҚЛАЙДИ, ТАНЛАЙДИ, ТАЙЁРЛАЙДИ!

“Тошкент, Нукус ва Хоразмда Президент мактаблари курилар экан!”. Бу хабар хали “гандирдан узилмасданок” бутун интернетта овоза бўлди. Ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинган кизигандан-кизиган. Биров у дейди, биров бу дейди. Ҳаммининг фикри ўзи учун тўғри.

Биринчи даража келган ўн-ўн бештасини ўқиб чиқдим. Охирига етмай, тарзувизим қўлтигимдан тушиб кетди. Биронга ҳам яхши гап йўқ-а! “Оддий одамларнинг фарзандларига бундай мактабларда ўқишга йўл бўлсин!”, “Жойлар барибир олдиндан банд қилиб қўйилади, қолган 4-5 таси эса, қонвертда қўпроқ кистирганларга насиб этса керак”, “Президент мактабларини қуриш баҳонасида энди қанчалар оддий мактаблар бузиб ташланади”... Хуллас, шунга ўхшаш гаплар. Қизиғи, ҳеч бирининг жўяли асоси ҳам йўқ.

Эртасига Халқ таълими вазирлиги ўз сайтида пойтахтимиздаги бир нечта умумтаълим мактабларининг бузилиши ҳақидаги хабарни инкор этди. Қўшимчасига умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ер участкаларини ҳамда кўчмас мулкни вазирилик билан келишмасдан бегоналаштириш тақиқлангани ҳам маълум қилинди. Бирок бердисини айтгунча, уриб ўлдириб қўя қоладиган ваҳимачи фуқароларимиз бу расмий баёнотга кўз кинири-да ташламагани, ўқинган тақдирда ҳам, қўлтиғига илмагагани аниқ. Ахир, ҳақиқатга ён босган кўра миш-миш тарқатиш осон-да.

Харқалай, юқоридаги нохуш ҳолатни ортинча таҳлил қилиш ниятидан йироқимиз. Нима ҳам дердик, инсофини ҳар қимнинг ўзига берсин. Президент мактаблари ҳуқуқига оғиз очиндан мақсад бошқа. Давлатимиз раҳбари етти ўлаб бир кесадиган инсон. Узоқни кўзлаб сивсаб юротади. Сир эмас, бугунги кунда Ўзбекистон малакали мутахассисларга жуда муҳтож. Zero, давр ва замон талаби доимий янгиланишда. Унга ҳамқадам бўлиш ҳар бир мутахассисдан мунтазам ўқиб-ўрганишни, халқаро тажрибаларни ўзлаштиришни талаб этади.

Демак, Президент мактаблари айнан ёш мутахассис кадрларни мактаб ёшиданок тарбиялашда етакчи бўлиши, шубҳасиз. Бунга давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йил 20 февраль кунини имзолаган “Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги

қарорни диққат билан ўқиб чиққан киши дарҳол амин бўлади. Қарорда янги форматдаги таълим муассасалари зиммасига юкланган асосий вазифалар бирма-бир санаб ўтилган. Умумлаштириб айтганда, Президент мактабларининг бош миссияси иқтидорли ўғил-қизларни аниқлаш, танлаш ва ўқитишдан иборат. Яъни, 5-синфдан ўқишга қабул қилинган бола келгусида биз истаётган рақобатбардор кадр сифатида етиштиришда аскададиган фундаментал билим ва кўникмаларни айнан Президент мактаблари олади. Мазкур жараёнда орттирилган тажриба эса, кейинчалик республикамизнинг қолган мактабларига ҳам таъбиқ этилиши табиий.

Президент мактаблари учун қабул имтиҳонлари сирасига мантқий фикрлаш тестларининг киритилгани, таълим жараёни эса, инглиз тилидагина эмас, балки жаҳон тажрибасида ўзини аллақачон оқлаган “STEAM” (science – табиий фанлар, technology – технология, engineering – техника ижодкорлик, art – санъат, mathematics – математика) тизимида олиб борилишида ҳам чуқур маъно бор.

Тарих — муаллим. Ўтмишга назар солайлик. Жаҳон илм-фани ривожини учун тамал тошини қўйиб берган даҳо боболаримиз алгебра ва алгоритмни, тиб қонунларини, 1018 та юлдуз координатасини ёнқини дунёдаги биринчи глобусни тушида кашф қилгани йўқ. Улар болаликдан ақлу заковатини чарқлаб боргани, билимни қадрият деб билгани боис, алломайи замон, улғу мутафаккир даражасига етди.

Биз ўша буюк Беруний, Хоразмий, Ибн Сино ва Улугбек авлодимиз. Шу муқаррам зотларнинг қони томиримизда мавж уриб турибди. Демак, Ўзбекистоннинг тенгсиз “инсон капитали”га эга, керак бўлса, малакали кадрларни жаҳонга экспорт қилувчи мамлакатга айлантириш қўлимиздан келади.

Ишонимизки, яқин иштиқболда Президент мактаблари тажрибалари асосида бутун мамлакатимиз таълим тизими, замонавий билимларни ўзлаштирган ёшларимиз ўзбекистоннинг нималарга қодирлигини бутун инсониятга такрор исботлаб беради!

Наргиза УМАРОВА

ЭШИТИБ АНГЛАШ БОШҚАЧА

Юртимизда ўзбек халқ эртакларининг аудио варианты яратилмоқда. Лойиҳа “Болалик кунларимда” деб номланиб, уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширишга киришди. Шу орқали кичкинтойларни халқ оғзаки ижоди намуналари билан яқиндан таништириш ҳамда эзгу фазилатларга ошно этиш мақсад қилинган.

Edutainment” ижодий гуруҳи иш олиб бормоқда. Жамоа раҳбари Сардор Бобононовнинг сўзларига қараганда, лойиҳа учун ҳозирча 150 дан ортқ эртак саралаб олинди. Ҳар уч кунда биттадан аудиоэртак тайёрланиб, “Telegram” ижтимоий тармоғидаги <https://t.me/bolalikkunlarimda> каналига ўзбек ва рус тилларида жойлаштириб борилади. Бундан ташқари, ой охирида бештадан эртакни махсус иллюстрацияланган диск шаклида муомалга чикариш кўзда тутилган. Дарвоқе, кунни кеча пойтахтимизда “Зумрад ва Қиммат”, “Ур, тўқмоқ!”, “Эгри



БУГУНГИ КУН БОЛАСИ КИТОБДАН КЎРА КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ ШАЙДОСИДИР. БИРОҚ БУНГА ЖИМГИНА ҚАРАБ ТУРАВЕРСАК, МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МУЛКИ — ФӨЛЬКЛОР ВА ҒАЗМА АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИНИ КЎЛДАН БОЙ БЕРИБ ҚЎЙИШИМИЗ ҲЕЧ ГАП ЭМАС.

Шу боис фарзандларимизга эрта ёшданок меҳр-муруват, эзулик, тўғрисузлик, жасурлик каби олинжаноб хислатларини синдириш ниятда муҳим. “Болалик кунларимда” лойиҳаси ташаббускорлари айни масалага ўзига хос тарзда ёндашиб, юртдошларимизга халқ эртакларини аудио форматда тақдим этишга қарор қилди. Лойиҳа устида “Novda



“Тўғри”, “Кенжа ботир” ҳамда “Олтин тарвуз”ни ўз ичига олган илк аудио жамланманнинг тақдими бўлиб ўтди.

БОЛАЛАРГА МЎЛЖАЛАНГАН АУДИОКИТОБЛАР НАФАҚАТ ОТА-ОНАЛАР, БАЛКИ ТАРБИЯЧИ ҲАМДА ПЕДАГОГЛАР УЧУН ҲАМ АЖОЙИБ ДАСТҒЕГА АЙLANIШИ ТАЙИН. ШУ БОИС ТЕЗ



“Тулқини ўлдирди”, “Бўрининг тилиб ташлади” каби жумлалар учрайди. Болаларга бу жуда салбий таъсир қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, неча минг йил олдин яратилган эртаклар орқали янги авлоднинг эътиқод ва қарашларига зиён етказиб қўймасликни, дея роса иккиландик. Ниҳоят, психолог ёрдамида масалага ечим топилди. Аудиоэртакларда “ўлдирди”, “сўйиб юборди” қабилидаги киши онг остига сингалган сўзларни ингкон қадар ишлатмасликка ҳаракат қилдик. Жанг эпизодлари эса, ёқимли мусика ёрдамида “юмшатилади”.



ЭРТАК БОЛАНИ ТАРБИЯЛАШИ КЕРАК.

Халқ оғзаки ижодининг мазкур бетакрор жанрини аудио форматга ўтказиш чоғида ҳам шубҳу умумэтироф этилган мантқидан чекинганимиз йўқ. Сўжетдаги ўғил ва қиз болалар тарбиясига ижодий таъсир кўрсатадиган барча унсурлар тўлалигича сақлаб қолилади.

Келгусида аудио эртакларни инглиз тилига таржима қилмоқчимиз. Уларни кирғиз, тожик, туркман, қозоқ тилларига ўғирини, қолаверса, бошқа халқлар эртакларининг аудио тарқатиш яратиш бўйича ҳам тақлифлар тушяпти. Айни вақтда рус халқ эртаклари устида ижодий жараён бошланган.

Н.БАҲОДИРОВА

ESHITDINGIZMI? БУЛОҚБОШИДА ЯНГИ ГАЗ КОНИ ТОПИЛДИ

“Кўкюн пармалаш ишлари” акция-дорлик жамияти мутахассислари томонидан аниқланган мазкур қоннинг чуқурлиги 1 миң 150 метр бўлиб, ундан чиқаётган газ миқдори кунга 100 атмосфера босими остида 205 миң куб метрни ташкил этмоқда.

Эслатиб ўтамиз, худуддаги илк газ қони 2017 йилнинг ноябрида Учтепа қишлоғида топилган эди. Айни пайтда ушбу қудуддан соатига 2300-2400 куб метр газ оқими чиқмоқда.



500 МИНГ ЕВРОЛИК ЛАБОРАТОРИЯ

Жиззах политехника институтига қиймати 500 миң евро бўлган ўқув-лаборатория жиҳозлари ўрнатилди. Ушбу ускуналар радиоэлектроника фанидан ўқув машғулотлари ўтказишга мўлжалланган бўлиб, барчаси Германиянинг “LD Didactic” компаниясида ишлаб чиқарилган. Жиҳозлар орасида ўзгарувчан ток машинаси ва электродвигатели, дала транзистори, трансформатор, бир фазали дала транзистори каби техникалар бор.

ЁШ ТАДБИРКОР ТИББИЙ МАРКАЗ ТАШКИЛ ЭТДИ

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда ҳуқуқий сектор фазолияти алоҳида ўрин тутди. Самарқанд шаҳрида иш бошлаган “Амирбек шифо” МЧЖ томонидан йўлга қўйилган тиббий диагностика маркази ҳам фикримиз исботидир. Корхона раҳбари Нодир Қайюмов “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасининг 500 миллион сўмлик имтиёзли кредити асосида мазкур шифо масканини ташкил этди.

— Лойиҳа жамғарма томонидан қўллаб-қувватланиб, ўз вақтида кредит ажратилди, — дейди Нодир Қайюмов. — Хориздан замонавий тиббий ускуналар келтириб, ультратовуш текшируви, қоннинг умумий ва биохимик таҳлили, ИФА (иммунофермент анализатор) текшируви бўйича чуқурлаштирилган диагностика хизматларини йўлга қўйдик. Марказда малакали тор соҳа мутахассислари



фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда айни пайтда 11 нафар шифокор ва ҳамшира меҳнат қилмоқда. Жорий йил март ойидан улар сонини 18 нафарга етказилади. Бунда аҳоли томонидан тушаётган талаб ва тақлифларга асосан бир қатор тиббий йўналишлар бўйича малакали мутахассислар ишга олиниши кўзда тутилган.

HOJIM VA YOSHLAR

Когон шахрида "Ёшлар — муносиб меҳнат ва ташаббускорлик тарафдори" лойиҳасининг узвий давоми сифатида "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ўтказилди.

МИГРАНТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Унда шахар ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, Ёшлар иттифокнинг маҳаллий кенгаши, Бандликка кўмаклашиш маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Учрашувда хорижда ишлаб кайтган ёшларга бефарқ бўлмай, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, шахсий томорқадан самарали фойдаланиши учун керакли билим ва кўникмалар беришга доир фикрлар айтилди. Мулоқотда 132 нафар йигит-қиз турли муаммолари билан мутасаддиларга юзланди.

Учрашувнинг ўзида олтига муаммо ҳал этилиб, қолганлари тегишли ташкилотларга йўналтирилди. Жумладан, Алфия Шодиевнинг доимий иш билан таъминланиш, Вазира Содикованинг имтиёзли кредит, Зарина Зайниддинованинг эса, уй-жой олиш борасидаги мурожаатлари қаноатлантирилди. Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш маркази ёшларга хорижий тилларни бепул ўргатиш имконини яратадиган бўлди.

Зарнгор НАФИДИНОВА

FORUM

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ НОМИГА ТУЗИЛМАЙДИ

Юртимиз йигит-қизларини ватан равнаки йўлида бирлаштириш, орзу ва интилишларини қўллаб-қувватлашда Ёшлар иттифок бошланғич ташкилотларининг алоҳида ўрни бор. Хўш, Жиззах вилоятида бу бўйича аҳвол қандай? Худудда жонқуяр етарчилар етарлими?

Иттифокнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан



"Ватан равнаки йўлида бирлашайлик!" шиори остида ўтказилган форумда мана шу саволлар таҳлил қилинди. Анжуманда корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ёшлар етакчилари катнашди.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, бугунги шиддатли даврда ёшлар билан ишлаш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтани назардан, Ёшлар иттифокнинг бошланғич ташкилотлари ўз фаолиятини янги босқичга кўтариб, янада самарали тузилмага айланмоғи даркор.

— Жиззахда мингдан зиёд бошланғич ташкилот мавжуд, улар ўз атрофида салкам 13 минг нафар йигит-қизни бирлаштирган, — дейди Иттифокнинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шоҳида Даманова. — Аммо бу оддий статистика, ҳолос. Аслида барча кўйи тузилмаларимиз ҳам вазифасига сиқилмайдиган ёндашяпти, деб айтолмаймиз. Номигагина тузилганлари қанча. Баъзи етакчиларнинг масъулиятсизлиги сабаб ёшларни қийнаётган муаммолар ечимсиз қолмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф



Этиш мақсадида бугунги форумга йиғилдик.

Форум доирасида ўқув-семинари ҳам ташкил қилиниб, бошланғич ташкилот фаолияти самаралорлигини оширишга қаратилган амалий машғулотлар ўтказилди.

Шундан сўнг етакчилар Жиззах нефть базаси ҳамда аккумулятор заводида йўл олиб, ҳар иккала корхонада ёшларга яратилган шароитлар, уларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.

Азиза ТОЛИПОВА

SHU SONGA XABAR

ОЧИҚ ДАРСЛАР КУНИ



Юнусобод туманидаги 12-умумтаълим мактабида "Очиқ дарслар кунин" деб номланган тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда мактаб маъмурияти, тумандаги бошқа таълим муассасалари вакиллари, мактаб фаоллари ҳамда ота-оналар иштирок этди. Тадбирда мактабнинг ўқув салоҳияти, ўқитувчилар даражаси, ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабати, мавжуд муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинди. Таъкидлаш керак, болаларга сабоқ беришда янги, инновацион методлардан фойдаланиш, наврасталарни фанга қизиқтириш бугун муҳим масала ҳисобланади. Шу жиҳатни инобатга олган ҳолда бундай очик

дарсларни ҳар ойда ўтказишга қелишиб олинди. — Мактабимизда 710 нафар ўқувчи таҳсил олмақда, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Нодира Файзиева. — Бугун география, биология, математика, физика фанлари бўйича очик дарслар ўтказилди. Ўйлаيمانки, бу каби тадбирлар ўғил-қизларнинг билим олишга бўлган иштиёқини янада оширади. Худди шундай тадбир Яшнобод туманидаги 215-мактабда ҳам ўтказилди.

Жасурбек ШАКАРОВ, Сухроб НОРҚУЛОВ

TASHABBUS

Юкори Чирчик туманидаги 24-болалар музика ва санъат мактабида Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан "Кучок очиб халқ ичига борайлик!" шиори остида учрашув ташкил этилди.

ИЛМИЙ ЁНДАШУВ — МУҲИМ!

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишиши, уларнинг муаммоларини ўрганиш, орзу-истакларига қулоқ тутиш мақсадида ўтказилган тадбирда марказ мутасаддилари, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти қошидаги "Олимплар клуби" аъзолари, пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари юкори чирчиликлар билан очик мулоқотга киришди.

Учрашув аввалида Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, профессор Муҳаммаджон Куронов давлатимиз раҳбарининг "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган ғоясининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритиб, бугунги кунда ҳар бир оила, хонадонга кириб бориш нафақат ҳокимлик, идораларнинг, балки илм аҳли, олимларнинг ҳам бурчи эканини алоҳида таъкидлади. Шу мақсадда ташкил этилган "Олимплар клуби"нинг мақсад-вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси, "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда уларнинг ижроси юзасидан мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Инсон капиталининг моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга тушунтириш, иктидорли ўғил-қизларга кўмак бериш,

олий таълим муассасалари ва мактаблар ўртасида "Устоз-шогирд" тизимини йўлга қўйиш борасида фикр-мулоҳаза алмашилди, жўяли таклифлар ўртага ташланди. Натижада Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг олимплари туманда аниқ фанларга қизиқадиган ўғил-қизларни излаб топиб, уларни университет қошидаги тўғарақларга жалб этадиган, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети олимплари эса, адабиётга, ижодга ошно ёшларга амалий ёрдам берадиган бўлди.

Бундан ташқари, келгусида пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларида ташкил этилган фан ва ижод тўғарақларининг филиалларини Юкори Чирчик туманидаги мактабларда ҳам очишга қелишиб олинди.

Худуддаги таълим мутасаддилари буни миннатдорлик билан қабул қилиб, ҳамкорликнинг ташкилий ишларини бошлаб юборди.

Шунингдек, мутахассислар тумандаги маҳаллаларда ҳам аҳоли билан учрашиб, ёшлар тарбияси, маънавият масаласи, мустақкам оила сирини, қайнона-келинд муносабатлари ҳақида илмий асосланган маслаҳатлар берди.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар бир масалага илмий ёндашув муҳим ечим ҳисобланади.

Зебо НУРМОҲОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази матбуот котиби

TARG'IBOT

ЗАРУР ТУШУНЧАЛАР БЕРИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелдаги "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адила органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низомга кўра, ўз ваколати доирасида қонунчилик мазмунини кенг жамоатчиликка етказиш туман-шаҳар адлия бўлиmlарининг олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Бу борада Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда икки худуд адлия бўлиmlари ҳамкорликда Шайхонтоҳур туманидаги тўққизта касб-хунар коллежи ҳамда учта академик лицейга таширф буюриб, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, белгиланган вазифалар ҳақида ёшларга тушунча берди.

Учрашувларда кайд этилганидек, мазкур қонун мамлакатимизда экстремизмга қарши курашининг мустақкам ҳуқуқий пойдеворидир. Зеро, бугунги кунда ким ва қандай мавқега эга бўлишидан қатъи назар, аҳоли, айниқса, ёшларни экстремизм ва терроризмнинг қабиҳ ва ғаразли таъсиридан асраш барчанинг вазифасидир.

Тарғибот давомида мутахассислар қонун юзасидан ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Суннатилло РАҲМОҲОВ, Шайхонтоҳур тумани адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси, Сабохат ҚОДИРОВА, Юнусобод тумани адлия бўлими катта маслаҳатчиси

OGONLIK — DAVR TALABI

СУҲБАТДАН Кейин КИНОФИЛЬМ

ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ 363 МИНГ ГЕКТАР ҚУРИГАН МАЙДОНИГА САКСОВУЛ ЭКИЛДИ

Орол денгизининг қуриган майдонида сақсовул экиш ишлари бошланганига икки ой тўлмоқда

Президентимиз ташаббуси билан ўтган йил декабрь ойида бошланган кенг қўламли тадбирлар самарасида жорий йил 18 февраль ҳолатига кўра, 917,2 минг гектар ер майдони экишга тайёрланган. Унинг 363 минг гектари сақсовул уруғи экилган.

Денгизнинг қуриган худудларида ўрмонзорлар барпо қилиш орқали юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар кизгин давом этмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошчилигида тузилган тезкор штаб томонидан тақдим қилинган маълумотга кўра, тайёр уруғни идишларга жойлаштириш, экиш майдонларини тайёрлаш, экиш ва бошқа тадбирларда жами 1 минг 560 киши иштирок этган. Бу ишларга 462 техника ва 2 самолёт жалб қилинган.

Самолёт ёрдамида 266 минг гектар майдонга сақсовул уруғи сепилган бўлса, трактор ёрдамида 96,5 минг гектар ерга экилган. Бугунги кунгача 1 минг 321 тоннадан ортиқ сақсовул уруғи йиғилган. Унинг 260 минг килограмдан ортиги маҳаллий аҳоли томонидан йиғилиб, уларга меҳнат хақи ўз вақтида бериб келинмоқда.

Ҳозирги кунга қадар 4 миллиард сўмдан ортиқ пул маҳаллий уруғ йиғувчилар меҳнатига тўланган.

— Оролнинг қуриган майдонини "яшил қоплама" билан қоплаш тадбири йил бўйи давом этади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси раиси Узақбергел Утамбетов. — Сақсовул уруғини куз ва киш ойларида эккан маъқул. Сабаби, уруғ киш бўйи қор, ёмғир суви остида ётади ва баҳорда ўсиб чиқиши учун яхши имконият яратилади. Ҳозирда асосан уруғ экиш ва экин майдонларини тайёрлаш ишлари билан бандмиз. Экишга тайёрланган майдонларга дархол уруғ сеппи ёки кўчат ўтказиш яхши самара бермайди. Чунки тупроқ шўр, экилгани билан туз ўлдириб ташлайди. Шунинг учун экиш учун қазилган ариқлар маълум бир вақт талаб қилади. У ариқларга шамол ёрдамида унумдор тупроқ келиб жойлашганидан кейин экиш мумкин.

Баҳорда асосий ишимиз кўчат ўтказиш бўлади. Ёзда питомникларда сақсовул кўчати етиштириш билан банд бўламиз. Қузда яна уруғ йиғиш ва сеппи ишларини давом эттирамиз.

Оролнинг қуриган майдонидаги сақсовуллар орасига ёввойи хайвонлар ва чорва учун озуқабоп экинлар ҳам экилмоқда.

Денгизнинг қуриган майдонларида 40 та артезиан қудуғи қазилдиган бўлди. Чучук сув чиқаяпти. Бу келажда чорвачиликни ривожлантириш имконини беради, дегани. Қатор хорижий ва маҳаллий ҳамкорларимиз сақсовуллар орасига доривор гиёҳлар экиш ишларини ҳам бошламоқчи. Бу ҳам ўта истиқболли лойиҳа.

Жорий йилда денгизнинг қуриган майдонида 500 минг гектар "яшил қоплама" барпо этиш режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги "Орол денгизи тубидаги суви қуриган худудларда "яшил қоплама" — химоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, кўтарилаётган кум, туз ва чанг зарраларининг салбий таъсирига қарши қўйилган тадбирларнинг самараларини қийинлаштириш, ушбу худудларда чўл ўсимликларидан химоя ўрмонзорлари барпо қилишни самарали ташкил этиш ҳамда глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизи қуришининг қийинлашув ҳужалиги ривожла-

ниши ва аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсири юмшатиш мақсадида 2019 йилда амалга оширилдиган тадбирлар учун 100 миллиард сўм ажратилди.

Ушбу қарорда белгиланишича, баҳор мавсумида 200 минг гектар, кузда эса 300 минг гектар "яшил қоплама"лар ташкил қилинади. Умуман, ушбу химоя ўрмонзорларининг 50 минг гектари кўчатдан, 450 минг гектари уруғдан барпо қилинади.

Дарҳақиқат, ушбу экологик офатдан энг кўп Мўйноқ халқи азият чекиб келмоқда. Айниқса, июль-август ойларида ниҳоятда қатта чанг-тўзон ҳавога кўтарилади. Химоя ўрмонлари барпо қилинади, ушбу муаммолар барҳам топади.

Айни пайтда Оролда олиб борилаётган кенг қўламли ишларда барча вилоятлардан келган хашарчилар фаол иштирок этмоқда. Хашарчилар учун шароитни яхшилаш мақсадида вагон уйлар олиб келинган. Ташкил қилинган 13 та отрядга алоқа воситалари ўрнатилган. Ишчилар вақти-вақти билан алмашиб ишламоқда.

Есимхон ҚАНОАТОВ, ЎЗА мухбири



Иттифокнинг Ҳазорасп тумани кенгаши ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда "Биз гиёҳвандликка қаршимиз!" шиори остида тарғибот тадбирини ташкил этди. Ёшлар марказида мутахассислар билан кечган даврда суҳбатда 120 нафар йигит-қиз катнашди.


Аср вабосига айланган гиёҳвандликка ружу қўйган инсон бу балодан қутулиши ниҳоятда қийин экани, ушбу иллат қўллаб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётгани алоҳида таъкидланди. Имони бутун, иродаси мустақкам, аниқ мақсадлар сари интилган ёшлар гиёҳвандлик домига тушиб қолмайди, албатта. Бунда аҳоли соғлом турмуш тарзи кўникмалари ҳамда тиббий маданиятини шакллантириш ҳам ғоятда муҳим.

Тадбир давомида "Ажалга элтувчи йўл" номли кинофильм намойиш этилди. Сўнгра суҳбат яна давом этди. Йигит-қизлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Сумбуллой НУРМЕТОВА

DOLZARB MAVZU

АЙБ ПСИХОЛОГЛАРДА



Психолог мактабда муҳим фигура. У малакали, ишнинг кўзини биладиган мутахассис бўлса, албатта. Акс ҳолда, на таълим олувчилар, на ота-она ва на педагогга нафи тегади. Ўқувчи-ёшлар билан кўп йиллик иш тажрибасига эга амалиётчи психолог, газетамизнинг доимий эксперти Лўқмон КАЗАКОВ мактаб психологи қандай бўлиши кераклиги хусусида ўз фикрлари билан ўртоқлади.

рекциянинг замонавий усулларини эгаллаган бўлиши зарур.

ЯХШИ ПСИХОЛОГ БОЛАДАГИ ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРНИ, КЎЙИНГИ, ЖИНОЯТЧИЛИК, СУИЦИД, ПСИХОФАЛ МОДДАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА МОЙИЛЛИКНИ ДАРҲОЛ ПАЙКАЙДИ. БУНДАЙ ҲОЛАТЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЖУДА МУҲИМ. АКС ҲОЛДА, ҲАЛОКАТ РҮЙ БЕРИШИ МУҚАРРАР. БИР-БИРИНИ ПИЧОҚЛАГАН, БЕАЁВ ДЎПСУСЛАГАН, ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАН ЁШЛАР ҲАҚИДА ЭШИТАПМИЗ-КУ, АХИР!

Бахтга қарши, бизда мактаб психологлари фожиа юз бериб бўлган ёрдамга шошади. Лекин ҳатто шу вазиятда ҳам нима қилиш лозимлигини билмайдиганлар бор. Жуда бўлмаганда жиноятга қўл урган ўсмир билан бир-икки марта суҳбатлашиб қўя қолади.

ТАБ, БАЛКИ МАҲАЛЛАЛАР, ХУЛҚИДА ОГИШИ БОР БОЛАЛАР ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРИ ВА БОШҚА ТУРЛИ МУАССАСАЛАРГА КИРИБ БОРИШИ, ЎША ЕРДАГИ КОНТИНГЕНТ БИЛАН ИШЛАШИ ЗАРУР. ШУНДАГИНА ЯХШИ МУТАХАССИС БЎЛИБ ЕТИШАДИ.

Яна Сирдарё вилоятидаги ҳолатга қайтсам. Ўқувчилар орасида кичик сўровлар ўтказдим. Қизиги, кўпчилиги мактаб психологи хузурига бирон марта ҳам бормаган. Чунки ишонмайди. Ёки шубҳаланди. Баъзилари ҳатто психологга нега мурожаат қилиш кераклигини ҳам билмайди. Айб психологларда, албатта! Сабаби уларнинг акарияти ўқувчиларга оддий, стандарт тестларни бериб қўйиш билан қифолланмоқда. Энди ўйлаб кўринг,



ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБ ПСИХОЛОГЛАРИГА ИШОНМАЙДИ

МЕНИМЧА, МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ ТАЪЛИМДА. ПСИХОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРГА АСОСАН НАЗАРНИ БИЛИМ БЕРИЛМОҚДА. АММО БУ ЕТАРЛИ ЭМАС. ПСИХОЛОГ АМАЛИЁТДА ТОВАЛЛАШИ ШАРТ! У НАҲАҚАТ МАК-

ПСИХОЛОГ БОЛА ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПА ОЛМАСА, ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОНИ АНИҚЛАШИ ВА ҲАЛ ЭТИШДА ҚўМАКЛАШИШИ МУМКИН?!

Мактаб психологи, аввало, педагогика асосларини яхши билиши, психологик диагностика ва кор-

Исталган синфга кириб қўриш, ўғил-қизларнинг ичи қайнаб тургани, уларда савол кўп. Психолог ҳар бирини эшита олиши зарур. Чунки бола баъзи нарсаларни ота-онаси ёки устозларидан сир сақлайди. Тенгдошларига ҳам ёрилмаслиги мумкин. Шундай пайтда мактаб психологининг ўрни дарҳол билиниши керак.

Айталик, ўқувчи билан бир-икки кун ишлаб, у суицидал кайфиятда эканини пайқаддингиз. Биринчи навбатда, мотивацияни аниқлаш зарур. Қолаверса, оиласидаги маънавий муҳитни, ижтимоий аҳолини, атрофидаги дўсту биродарларини ўрганишга тўғри келади. Эҳтимол, мотивация ўйлаб топилгандир. Масалан,

ЙИГИТ ЁКИ ҚИЗ СИНФДА ҲАММА МЕНДАН ЮЗ ЎТИРДИ, УСТОЗИМ ЖЕРКИБ БЕРДИ ЁКИ ҲАҚОРАТ

КИЛДИ, ДЕЯ АСЛИДА ЙЎҚ, ТЎКИМА НАРСАНИ САБАБ ҚИЛИБ КЎРСАТИШИ МУМКИН. ҲАҚҚАЛАЙ, МАХСУС МЕТОДИКАЛАР ЁРДАМИДА БОЛА БИЛАН ИНДИВИДУАЛ ИШЛАБ, ҲАКИКАТНИНГ ТАҒИГА ЕТСА БЎЛАДИ. БУ ЖИХАТДАН АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЕРГОВЧИНИКИГА ЎХШАБ КЕТАДИ.

Доимо изланишда бўлган, ўқувчилар билан тезда тил топила оладиган моҳир психолог мактаб жамоаси учун кадрли кадр саналади. Бундай мутахассис ўқитувчиларнинг да хурматини қозониши, яқин маслақдошига айланиши турган гап. Аслида ҳам шундай бўлиши керак.

версангиз, ишонинг, у ҳеч қачон ўзгармайди! Бир марта ўғирлик қилиб, изза қилиндингиз, таълим, “Бўларим шу экан-да”, деб қинғир ишнинг давом эттириши аниқ. Боз устига, кейинги сафар устарақ бўлишга ҳаракат қилади. Ёни,

БОЛАНИ ИЗЗА ҚИЛИШ, ЁМОНОТЛИККА ЧИҚАРИШ БИЛАН ҲЕЧ НАРСАГА ЭРИШМАЙСIZ. БУНИ ҲАММА, БИРИНЧИ ГАЛДА, ОТА-ОНАЛАР БИЛИБ ҚЎЙИШНИ ИСТАРДИМ.



БОЛАНИ ҲАДЕБ ҚОЙИЙВЕРСАНГИЗ, ИШОНИНГ, У ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЗГАРМАЙДИ!

“Бизга бола руҳиятидаги салбий таъсирларни бий ўзгаришларга педагог сабаб бўлиши мумкин.

ОДДИЙ МИСОЛ, ҲАР БИР СИНФДА “ИККИЧИ”ЛАР БОР, ТЎҒРИМИ? ОДАТДА УЛАРНИ БИРОВ ЖИДДИЙ ҚАБУЛ ҚИЛМАЙДИ. ТАН-ЛОВА, МУСОБАҚА ЁКИ БОШҚА ТАДБИРЛАРДА ҲАМ “ҚОЛОҚ” ЎҚУВЧИЛАР ЧЕТГА ЧИҚАРИБ ҚЎЙИЛАДИ. ВАҲОЛАНКИ, ҚОБИЛИЯТСIZ ИНСОННИНГ ЎЗИ ЙЎҚ! ҲАР БИРИМИЗДА ИЖОБИЙ ХИСЛАТЛАР МУЖАССАМ. ПСИХОЛОГНИНГ ВАЗИФАСИ МАНА ШУ ҚИРРАЛАРНИ НАМОЁН ЭТИШДАН ИБОРАТ.

Агар болани ҳадеб “Сен “иккичи”сан”, “Сен ўғирсан”, “Сендан одам чиқмайди”, дея қойий-

Бугунги мактаб ўқувчилари аввалгиларидан кўра кўпроқ психологик ёрдамга муҳтож. Боеи ахборот макони кенгайган. Бир-бирини инкор этувчи, тасдиқланмаган, ёлғон, сохта (фейк) ахборотлар салмоғи кўпаймоқда. Бошқа томондан, биз истеъмол қилаётган махсулотлар сифати, овқатланиш тартиби ва рақсонлиги ўзгариётгани ҳисобига болалар эртарақ балоғатга етгапти. Ушбу омиллар психологик саломатлигимизга ўз таъсирини кўрсатмоқда, албатта.

Мен мактаб психологлари ишини муайян тўман ёки шаҳар миқёсида намунавий тарзда йўлга қўйишни тавсия қиламан. Тажриба ўзини оқласа, кейин уни республикада оммалаштирса бўлади.

Наргиза УМАРОВА

Нуриддин ОЧИЛОВ, журналист

MULOHAZA

МУТОЛАА ЭТАДИ ДАВОМ

Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идроқнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир. Амир ТЕМУР

Ўзбек оилаларида китобга муҳаббат, уни асраб-авайлаш қадимдан анъананага айланган. Авваллари узун кеш кечалари маҳалла аҳли танча атрофида жам бўлиб, китоб мутолаа қилар, бошқалар эса, воқеа ва ҳодисалар баънини жон қулоғи билан тинглаб, сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашарди. “Навоийхонлик”, “Бедилхонлик”, “Машрабхонлик”, “Бобурхонлик” каби китобхонлик кечалари ўтказиларди.

Бирок кейинги пайтларда айрим ёшларимиз мутолаага лоқайд, китобга бепарво бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда ҳамма куюниб гапиргачи: “Бугун акарият ёшлар китоб ўқймайди, чунки ўқиниш тоқати йўқ!”. Наврасталарнинг мутолаага ўқини йўқлигини нима билан изоҳлаш мумкин?!

Вазиятни ўзгартирмасек бўлмасди. Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори бу йўлдаги дадил қадам бўлди. Мазкур ҳужжатларда жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтириш, ҳусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлодининг маънавий-интеллектуал салоҳияти, оинг-тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан ашайдиган барқамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга

бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Айни пайтда уларнинг моҳияти жойларда, айниқса, таълим муассасаларида кенг ўрганилиб, белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан қўламли ишлар олиб борилаётган.

— Китоб — инсоният яратган энг узуг мўъжиза, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Жасур Қулмухаммедов. — Ҳозирги кунда китобнинг қадри, мутолаанинг аҳамияти ҳар доимгидан-да баланд. Албатта, бундай жараённинг юзга келишида давлатимиз раҳбарининг қарори муҳим аҳамият касб этди, бу йўналишдаги янгидан-янги ташаббусларга кенг йўл очди. Шахсан ўзим фаолият юритаётган Тошкент автомобиль йўллари касб-хунар коллежида ҳам ҳар жума “Китобхонлик кўни” деб эълон қилинган. Лойиҳа доирасида ҳар hafta бир асар муҳофазаси ўтказилади. Шу кунга қалар Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Чўлпон, Саида Зуннунова, Чингиз Айтматов, Даниель Дефо, Жек Лондоннинг ижод намуналарини таҳлил қилинди.

Дарҳақиқат, китоб — инсонларни юксак чўққиларга элтувчи восита. У билан салтанатининг эшикларини очди. Ўқитувчи-мураббийлар эса, ана шу ҳақиқатни ўқувчи-ёшлар онига синдиришга масъул. Чунки мутолаага меҳри баланд ўғил-қиз улайганда ҳам, қайси касбда фаолият юритишидан қатъий назар, бир умр китобга ошно бўлиб қолади. Демак, мутолаа давом этади...

Шавкат ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоҳиси, меҳнат фаҳрийси

QIYATYI MAZAR

ТАРБИЯНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

оилادا қўйиладиган

Яқинда бир суҳбатда ёшлар одоби ҳақида гап кетди. “Бугунги ёшлар на салом беришни, на иззат-хурматни билади. Ўқитувчиси ўргатса бўлмайди!” — дея эътироз билдирди ўрта яшар эркак. Унга жавобдан шерири: “Айб ўқитувчида эмас, аввало, боланинг ота-онасида”, — дейди. Албатта, бундай бахсларда турли фикр-мулоҳазалар билдирилади ва ҳар ким ўзини ҳақ ҳисоблайди.

Шоли курмакисиз бўлмаганидек, бугун орамизда озми-кўпми, одобсиз, бетгачопар, ҳатто салом-алиқини билмайдиган ёшлар учраб турибди. Хўш, улар қандай муҳитда ўсган? Ота-онаси ким? Баъзи ота-оналар боласига нега турфа бичмадиғай йиртиқ-ямрак, ярим яланғоч кийимларини олиб берапти? Чунтагига жарак-жарак пулни нега солиб қўйяпти?

Қасбим тақозосига кўра, ўқувчилардан шахсий кутубхонаси бор-йўқлиги, қандай китоблар мутолаа қилиши ҳақида сўрайман. Кўпинча жавоб қониқарсиз бўлади. Эътибор қилган бўлсангиз, ота-оналар олдига фарзандига тутилган кунни ёки байрамларда фармағабхо нарсалар совға қилади. Лекин китоб туҳфа этувчилар нисбатан кам. Баъзилай китоб совға ўрнини босолмаслигини айтади. Тагин бугунги ёшлар мутолаадан узоклашяпти, деб нолийимиз-а.

Ҳарқалай, бу гапда ҳам жон бор. Оилада ота-она китоб ўқимас, хонадонига камда битта газета ёки журнал кириб бормас экан, фарзандлар ондаги маънавий бўшлиқни қандай қилиб тўлдирishi мумкин, ахир?! Ўғри, таълим муассасаларида китоб тақдирлари,

кўргазма ва ярмаркалар ўтказилапти. Лекин бу етарли эмас. Аввало, оммавий ва оилавий китобхонлиқни йўлга қўйиш лозим. Китоб ўқиниши айнан қатта ёшларга бошлаб бериши мақсадга мувофиқ, назаримда.

Баъзи ота-оналар асосий вазифаси болани моддий таъминлаш, деб ҳисоблайди. Маънавий тарбияни эса, жамоатчиликка юклаб қўйган. Бу жуда нотўғри фикр! Аслида ота-она учун фарзанд тарбиясидан муҳимроқ масала бўлмастлиги керак.

Мактаб ёки коллежларда иши кўпчилигини рўқач қилиб, ота-оналар йиғилишига келмайдиган, фарзандининг ўқиши ва тарбияси билан қизиқмайдиган, қундалик дафтарларини йилда бир бор ҳам кўрмайдиган, ҳатто қайси гуруҳда ўқиниши билмайдиган ота-оналар, афсуски, орамизда йўқ эмас.

Утган йили коллежда мониторинг таҳлилининг ўтказилган. Чет элда ишлаётган ота-оналар, боқувчисини йўқотган оилалар, ота-онаси ажрашган болалар ҳаёти обдан ўрганилди. Уларнинг ўқини, олоб-ахлоқи, юриш-туришига, дарсдан кейинги бўш вақтини қандай ўтказишига, қимнинг қарамоғида қолганга эътибор қаратди. Гуруҳ раҳбарларига бу тонфадаги ўқувчиларга вақт ажратиб, улар билан кўпроқ ишлаш, назоратта олиш, амалий ёрдам бериш кераклиги уқтирилди.

Таълим бериб тарбиялайди, тарбиялаб таълим беради. Бу икки жараён бир-бири билан узвий боғлиқ, бир-бирини тўлдирди ҳам. Коллеждаги тарбия оиладаги тарбиядан фарқ қилади, албатта. У кўпроқ учрашувлар, кўрик-танловлар, китоблар тақдироти, бахс-мунозара, мушоира ва тарбиявий аҳамиятга эга бошқа тадбирлар орқали амалга оширилади.

Биз таълим масканида ҳар йили юзга яқин маънавий-маърифий тадбир ўтказамиз. Ўқувчилар бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг 80 фонзидан ортинги турли тўғарақлар, спорт секциялари ва клубларга жалб қилинган.

“Бир болага етти маҳалла ота-она”, дейди халқимиз. Демак, бола тарбиясида кенг жамоатчилик ва маҳалланинг ҳам ўз ўрни бор. Шу боис коллежимиз ўқувчиларни истискомат қиладиган маҳалла фаоллари, оксоқоллари билан яқин алоқадор. Улар тез-тез коллежга келиб туради, муаммоларимизни ҳам қилишда ёрдамчи аямайди.

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсати ижросига доир муҳим вазифалар белгилаб берилган. Уларни амалга оширишда кенг жамоатчилик, оила, маҳалла ҳам қатъий қатнашган ва муваффақиятга эришган бўлади.

Исомиддин ҚАРИМОВ, Ўргут савдо ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори



Oq niyatga burkandi zamin...

PHAZARMATOB

TAHLIL VA TALQIN

SIYOSIY YETAKCHI FENOMENIGA NAZAR



"O'zbekiston" nashriyotida tanikli siyosatshunos olim, liderolog Narzulla Jo'rayevning "Tamaddunga da'vat" nomli monografiyasi chop etildi. Unda yurtimiz eng yangi tarixida yuz berayotgan va shiddat bilan davom etayotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlar orqali Prezidentimizning siyosiy arbob sifatidagi siyosiy gavalantirilgan.

Aslida bunday tajriba yangilik emas. Dunyoda nomdor siyosiy yetakchilarning ish uslubi, strategik qarashlari hozir javoblik bilan o'rganiladi. Bu bo'yicha ko'pgina ilmiy tadqiqotlar olib borilgan, maxsus adabiyotlar nashr etilgan. Ammo "Tamaddunga da'vat" biz uchun birinchiidir.

Fikrimizcha, monografiyaga nom tanlashda ham Shavkat Mirziyoyevning davlat rahbari va siyosiy yetakchi sifatidagi fenomenidan kelib chiqilgan. Sababi davlatimiz rahbari jamiyatni ijtimoiy hayotning barcha jabhalarini tezkorlik bilan rivojlantirishga safarbar eta olgan mustahkam siyosiy konsepsiya — besh-ta yo'nalishga ega Harakatlar strategiyasi muallifi sanaladi. Prezidentimiz qarashlari negizida xalq qachondir emas, balki bugun, hozir farovon va

saodatli yashashi kerak, degan g'oya yotadi. Buning uchun esa, jamiyatning har bir vakili umummilliy taraqqiyotga o'z hissasini qo'shmo'g'i lozim. Odamlarda yaratuvchilik kayfiyati uyg'onsa, ularning kelajakka ishonchi ham, shaksiz, ortib boraveradi.

Narzulla Jo'rayev Harakatlar strategiyasi xususida to'xtalar ekan, Shavkat Mirziyoyevning hech kimga o'xshamagan, faqat o'ziga xos bo'lgan fazilatlarini, shuningdek, davlat qurilishi sohasidagi novatorligini, milliy davlatchilik tajribamizni jahon davlatchiligi yutuqlari bilan uyg'unlashtirga olishdek noyob qobiliyatini ochib beradi hamda ishonchli tahlil qiladi.

"Tamaddunga da'vat" kitobiga siyosiy yetakchining saylovoldi dasturi bejiz ilovasi qilingani yo'q. Sababi mamlakatimizning keyingi taraqqiyoti uchun dasturlamal hujjatga aylangan Harakatlar strategiyasi ancha oldin — Shavkat Mirziyoyev Prezident sifatida saylanmasidan o'zining saylovoldi dasturi doirasida ishlab chiqilgandi. Bu haqda birinchi marta aynan mana shu monografiyada aytiladi.

Muallif ta'kidlaganidek, taraqqiyotning yangi davri boshdan kechirayapmiz. U shiddatkorligi, tezkorligi va keng ko'lamliligi bilan ajralib turadi. Bu davr tarixi Shavkat Mirziyoyev davri bo'lib kirishiga ishonamiz. Qo'limizdagi kitob esa, kelgusi avlodlar uchun o'sha davr mohiyati, mazmuni va butun ko'lamin chuqur tushinishga yordam beradigan qimmatli manbaga aylansa, ajab emas.

Vahob QO'CHQOROV,
siyosiy fanlar doktori,
professor.
Ilyos QUVONDIQOV,
ilmiy tadqiqotchi.

MUALLIFGA MAKTUB

TOLSTOYNING nozik xilqatiga

Kollejda o'qib yurgan kezarimda o'qituvchimiz "Anna Karenina" romani haqida so'zlab bergandi. Uni maroq bilan tinglab, sevgining go'zal olamiga sayohat qilganim yodimda...

Hayot daryosida suzayotib, vaqtning shiddat bilan o'tganini ham sezmay qolibman. Asarni o'qiyman, deb bel bog'ladim. Oradan shuncha vaqt o'tgan bo'lsa-da, ustozim aytgan voqealar aniq esimda. Ammo uning nomi yodimdan ko'tarilibdi. Voqealarini aytib, asarni izladim. Nihoyat, "Anna Karenina" bilan "uchrashish" baxtiga muyassar bo'ldim.

Dastlab asar bir muncha murakkab va tushunarsizdek tuyuldi. "Sim-sim" g'ori kabi o'qiganim sari ma'no-mazmuni ochilaverdi. Tolstoy bobo, siz yaratgan Anna mening qalbimda go'zal, o'jar va jur'atli ayol. Nazarimda Ananing jismida ikki inson yashayotgandek. Biri — jasur, ikkinchisi esa, sevgiga qul bo'lgan ojiza. Asarni o'qigan ayrim kitobxonlar, Ananing atrofida, zamonida yashaganlar ham uni qoralab, ayblaydi (o'zim guvohi bo'lganman). Men uning oilasini tashlab ketib, xato ish qilganim bilsam-da, uni ayblashni istamayman. Chunki hayot Ananga eng o'g'ir jazo — vijdon azobini bergan.

U atrofda insonlar oldida emas, balki mehribon onaning qalbi, yor vafosi, jamiyat oldida o'zini aybdor sanaydi. Shuning uchun ham baxt lazzatidan to'tish vaqti kelganda o'zining hayotidan voz kechadi. Boshqalar nazarda hayot mashaqqatlariga chidolmasdan inrosizlik qilgandek ko'rinsa-da, u o'zini baxtga munosib ko'rmagani uchun ham shu yo'lni tanlaydi. O'sha lahzalarda men uni qatqarib qolishni xohladim. "Tolstoy bobo, iltimos, uni o'ldirmang!" — deb yig'ladim. Poyezd haydovchisi bo'lsam-u, poyezdni to'xtatsam, u tirik qolsa...

Asar faqat bir qahramon hayotidan iborat emas. "Anna Karenina"dagi har bir obraz asarning shakllanishida o'z hissasini qo'shgan. Masalan, Aleksey Aleksandrovich Karenin — qo'pol, hissiy insondek ko'rinsa-da, ayoliga nisbatan kuchli muhabbat egasi. Avvaliga uning harakatlaridan jahlim chiqdi. "Erkak kishi ham shunday bo'ladimi? Nega bunday tasvirladingiz?" — deb, sizga savollari ham berdim. Javobni esa, asar yakunida oldim. U bolani onadan ajratgan qahri qattiq inson bo'lsa ham, sof muhabbat egasi ekan. Dollri esa, ayol matonati, onaning farzandlari uchun barcha narsaga



tayyor ekani va sabr-toqat negilini anglashi baribir huzurbaxsh edi. Birovga qozor berish tugul, yomon gapirib, ranjitib qo'yishdan


BILASIZMI?

E'tibor berganmisiz, qor yoqganda atrof birmuncha sokinlashib qoladi. Buning sababi bor, albatta. Yerdan yotgan qor qatlamlarida mayda teshikchalar hosil bo'ladi. Ular ko'chadagi shovqin-suronni yutish xususiyatiga ega. Qor muzlaganda esa, buning aksini kuzatamiz. Qotgan qor tovush to'lqinlarini qaytarib yuboradi. Demak, tashqaridagi tovushlar ham kuchayadi.



Qiziq, tanamizdagi barcha mushaklarni nazorat qila olamiz-u, ammo o'zimizni kulgi yoki tabassumdan tiyishimiz qiyin. Nega? Kulgi va tabassum hissiyotlarimiz bilan bevosita bog'liq jarayon. Mimik harakatlarining asosiy vazifasi his-tuyg'ularni atrof-dagi odamlarga yetkazishdan iborat. Ularni nazorat qilish qo'lni harakatga keltirish yoki barmoqlarni mushq qilishdan ko'ra qiyinroq. Shu bois quvonchli onlarda inson yuziga beixtiyor tabassum yuguradi.

Nega singan yoki qurt yegan tishimiz o'z-o'zidan bitib ketmaydi? Axir, bunday xususiyat inson suyaklari va terisiga xos-ku. Sababi qon organizmimiz qayta tiklanishi uchun zarur bo'lgan moddalarni tishning asosi, ya'ni ildizigacha yetkazib beradi, xolos. Qolgan qismi esa, oziqlanmay qolaveradi. Faqat so'lak yordamida emalni kalsiy bilan biroz to'yintirish mumkin. Shu bois tishlarni mustahkamlash uchun shifokorlar kalsiy preparatlarini tavsiya qiladi.



Rohatoy QODIROVA tayyorladi.

PSIXOLOG MASLAHATI

— Farzandim besh yoshda. Nuqul taqirlangan ishlarni qiladi. Avvaliga qiziquvchanligi sabab bo'lsa kerak, deb e'tibor bermadim. Ammo ulg'aygani sari bunday salbiy holatlar ko'payib bormoqda. O'g'limning kelajagidan xavotirdaman. Nima qilsam bo'ladi? Maslahat bering.

Mukarram AZIZOVA
Qorako'l tumani

qo'rqadigan, oq ko'ngil Levin, sevgisi tufayli yoshlik beg'uborligini yo'qotib qo'rgan Kiti, birgina xatosi bilan hayoti ag'dar-to'ntar bo'lib ketishini tushunib yetgan Stepan Arkadich — barcha-barchasining o'z haqiqati bor...

Asar qahramonlarini tasvirlay turib, Vronskiyini o'ylab jim qoldim. Ko'nglimdagilarni yozib sizga arz qilgandek bo'lib qolmaymanmi, deb o'yladim. Tolstoy bobo, xafa bo'lmang-u men Vronskiyini hayot sinovlariga bardosh berolmagan, oila muqaddasligini anglamagan inson sifatida qabul qildim. Uning "Qattiq yaxshi ko'rgan insoningga yetolmaganing bir dard bo'lsa, uning kuchli muhabbatining "tazyiqlariga" chidab yashaganing yana bir dard ekan", degan gapi ko'nglimni ezdi. O'sha lahzalarda "Anna, yur, u sening qadringga yetmaydi, muhabbatning bahosi shumi? Undan uzoq-uzoqlarga ketaylik", deb rosa yalindim. Lekin men kech qolgandim. Ular muhabbat deb atalmish pokiza tuyg'uni yangilab ulguragan, bir-biridan voz kechilmaydigan darajaga yetgandi. Shu sabab uning qolishiga o'zimni to'ng'a ko'ndirdim...

Kitobni yakunlar ekanman, undan ajralgim kelmasdi. Uzoq vaqtgacha hech kimsa bilan gaplashmay, faqat o'yladim. O'zimcha Anna uchun to'g'ri yo'lni izladim. Biron chorasini topaman-u, Anna qaytib keladi, go'yo.

Nurxon G'AFFOROVA



Savolga psixolog Feruza TOLIPOVA javob beradi:

— Bu yoshdagi bolalar atrofda sodir bo'layotgan voqea-hodisalarni bir-biridan ajratish va tushunishni boshlaydi. Bunday paytda bolaga ota-onaga e'tibori zarur. Ular farzandi bilan ko'proq muloqotga kirishishi kerak. Masalan, birgalikda ertak o'qish, multfilm tomosha qilish, ovqat tayyorlash mumkin.

Shuningdek, farzandingizni bag'ringizga bosib, erkalating, uni yaxshi ko'rishingizni, birdan-bir quvonchingiz u ekanini har kuni eslatib. Bu harakatlar bolada keraklilik hissiyini uyg'otadi. Natijada u sizning ko'nglingizga qarab ish tuta boshlaydi.

O'QING, BU QIZIQ!

Gretsiya qonunchiligiga ko'ra, er-xotin soliq organiga ikkisi uchun umumiy bo'lgan oilaviy soliq deklaratsiyasini taqdim etishi mumkin. Bunda ularning jami yillik daromadi jismoniy shaxslar daromad solig'ining bazasi bo'lib hisoblanadi. Biroq eng qiziq'i, soliq summasini to'lash to'liq erting zimmasiga yuklatiladi.

BUKLANGAN SAHIFA

— Baxtli oilalarning hammasi bir-biriga o'xshaydi, baxtsiz oilalarning esa, har biri o'zicha baxtsizdir.
— Har holda "hayotim sahilalarini jirkanch his bilan o'qib turib, dir-dir titrayman, la'nat deymen va achchiq-achechiq zorlanaman..." shunday.
— Men savolimga javob astarardim. Lekin aqal savolimga javob berolmadim, chunki aqal bilan savolimni o'lehab bo'lmaydi, hayotim o'zi nima yaxshi, nima yomonligini menga o'rgatdi. Men buni bilib olish uchun bironta ish qilganim yo'q, menga bu narsa boshqa hammasi narsalar bilan birgalikda berilgan, men buni boshqa biron yerdan bilib ololmadim.
— "Ha, vaqt o'tadi, yaralar bitadi, eski munosabatlar yana tiklanadi, dedi Aleksey Aleksandrovich o'ziga. — Ya'ni, shu darajada tiklanadiki, unrimning oxirigacha dilsiyohitkni ko'rmayman, shuning uchun ham baxtsiz bo'lolmayman".
— "Qo'limni kesishga jon deb tuib beraman-u, lekin uni so'z yoki imo-ishora bilan hayorat qilish u yagda tursin, xotin kishi qilmayman".
— "Fizikadan "bir" o'lib, ikkinchi kursda qolgan, hammasi narsa barbard bo'ldi deb, xuddi ganimda, hammasi narsa barbard bo'ldim, deb opanimning menga talqiragan, lavlagidek qizargan edim, qo'yganimda ham barbard bo'ldim, deb o'ylagan edim. Xo'sh, oqibat nima bo'ldi? Mana endi, yillar o'tgandan so'ng, o'sha narsalar uchun qayg'uringimni eslab hayron qolaman. Bu qayg'uringimni oqibati ham shunday bo'ladi. Zamon o'tandan so'ng bu narsaga ham parvosiz qaraydigan bo'laman".

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR

Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,
Mehrinnoz Abbasova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi

Boboravshan
G'OZIDDINOV

Dizayner

Xurshid
ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent.

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Telefonlar: (71) 150-22-74,

(71) 233-95-97.

(71) 233-79-69 (faks)

